



**O'ZBEKISTON
MILLIY
UNIVERSITETI**

XABARLARI

**IJTIMOIIY-GUMANITAR FANLAR
YO'NALISHI**

ВЕСТНИК НУУЗ

ACTA NUUZ

1/2

2021



ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУз

АСТА NUUz

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ**

**ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН**

**2021
1/2/1**

**Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
туркуми**

Бош муҳаррир:

И.У.МАЖИДОВ – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Р.Х.ШИРИНОВА – ф.ф.д., профессор

Таҳрир хайъати:

Сагдуллаев А.С. – т.ф.д., проф.

Аширов А.А. – т.ф.д., проф.

Баллиева Р. – т.ф.д., проф.

Маликов А.М. – т.ф.д., проф.

Юсупова Д.Ю. – т.ф.д., проф.

Муртазаева Р.Х. – т.ф.д., проф.

Мўминов А.Г. – с.ф.д., проф.

Ганиева М.Х. – соц.ф.д., проф.

Мадаева Ш.О. – ф.ф.д., проф.

Туйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Мухаммедова Д.Г. – псих.ф.д.

Тўхтаев Х.П. – ф.ф.н., доц.

Болтабоев Х. – фил.ф.д., проф.

Раҳмонов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Сиддиқова И.А. – фил.ф.д., проф.

Ширинова Р.Х. – фил.ф.д., проф.

Садуллаева Н.А. – фил.ф.д., доц.

Арустамян Я.Ю. – фил.ф.д., доц.

Пардаев З.А. – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

ТОШКЕНТ – 2021

МУНДАРИЖА

Тарих

Абдурасилов Ш. XVI асрда Тошкентнинг сиёсий тарихи.....	4
Асқаров Қ. Учтепа-Булоқмозор археологик ёдгорлиги – Наманган вилоятининг янги туризм объекти сифатида.....	8
Бегалиева М. Паттакесар тарихи.....	11
Маллабоев Б. XIX охири – XX аср бошларида Туркистонда вақф мулкларининг аҳволи ва ундаги ўзгаришлар таҳлили.....	15
Mahmudov E. Buxoro ta'limi va Ismoil Gansprinskiy.....	18
Раджабов О. Х. Маккиндер геосиёсий талқинида “катта ўйин” сиёсати масаласи.....	22
Ўткиров А. XIX аср охири – XX аср бошларида маҳаллий бойлар ва жадид маърифатпарварларининг саховат ва ҳомийлик ташаббуси.....	25
Шомуротов Ш. Республикада суғориш тизимини ривожлантириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар.....	28
Эшбеков Д. Парламент фаолиятининг такомиллашуви.....	31

Фалсафа. Психология. Педагогика. Методика. Социология

Абдурахимов Қ. Хулқий оғишлар симптомокомплексига психокоррекцион ишлар самарадорлиги.....	35
Ametov R. Yarimo'tkazgichlar fizikasini o'qitishda qiziqarli tajribalarni qo'llash.....	40
Аманова М. Кишлоқ хўжалиги техни“замонавий кишлоқ хўжалик техникаларини бошқарувчи оператор”ни ўқитиш тизими.....	44
Ahadov M. Kimyo ta'limda 3d texnologiyalardan foydalanishning istiqbollari.....	47
Ахророва С. Жамиятда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш омиллари.....	54
Бойгазиев Т. Форобий илмлар тараққиёти омиллари тўғрисида.....	58
Анатольевна Л., Викторова Н. Talabalarning jismoniy ta'lim va sportga motivatsiya tashkil etishga OAV o'qinining ta'siri.....	62
G'ofurova M. O'quvchilarning kuzatuvchanlik hisslarini shakllantiruvchi o'quv topshiriqlari.....	66
Дадабаев О. Шахсий-типологик ёндашув асосида 17-18 ёшли ўсмир дзюдочиларни техник-тактик тайёргарлигини ошириш.....	70
Juraeva I. Yoshlarning madaniy harakatlari paydo bo'lishi.....	75
Журақобилова Х. Олий таълим педагогикасида талабаларга таълим-тарбия беришнинг назарий-методологик асослари.....	78
Инназаров М. Малака ошириш курсларида педагог кадрлар касбий компетентлигини ташхислаш ва баҳолаш модели.....	82
Кариева Н. Ходимлар ва раҳбарларнинг ташкилотга bo'lgan ishonchga bo'lgan ishonchlari va ularning qadriyat yo'nalishlari o'rtasidagi munosabatlar.....	85
Галина К., Губкина А. Universitetda basketbolda talabalarni tayyorlash metodikasi xususiyatlari.....	90
Қодиржонов К. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалалари.....	93
Қаршиев Н. Сиёсий тартибот контекстида сиёсий партиявий тизимларнинг ўзгариш ва ривожланиш қонуниятлари.....	96
Махманов Э. Бўлажак муҳандисларни физика дарсида мантикий фикрлаш қобилиятини шакллантириш методикаси.....	101
Мираширова Н. Психолог шахсининг мутахассис сифатида камолга етишида касбий ва шахсий сифатлар.....	105
Нафасов Д. Туризмнинг тарбиявий имкониятларидан фойдаланишнинг тарихий-педагогик жиҳатлари.....	109
Нишоновна Н. Ўзбекистонда феминизм ва гендер тенглик: мулоҳаза ва тақлифлар.....	112
Разуваева И. Талабаларни гандбол ўйини орқали безовталиқ ҳиссини йўқотиш.....	117
Рахмонов Б. Ўзбекистонда этномаданий кадрлар ривожини ва миллий ғоя тарғиботидаги ўрни.....	120
Салоҳиддинов Н. Мустақкам бошқарув самарали таълимнинг қафолати сифатида.....	123
Сафаров М. Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ва ёшлар ижтимоий-сиёсий онгини трансформациялаштириш.....	126
Собитов О., Абдурахимов Қ. Тарбияси оғир ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни олдини олишнинг психологик омиллари.....	130
Турабоева К., Примова Д. Та'lim texnologiyasining afzalliklari.....	134
Туркменова М. Талаба ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда жисмоний тарбиянинг ўрни.....	137
Туробов Ж. Инглиз тили ўқитиш жараёнида темир йўл соҳасига оид терминларни тадбиқ этиш усуллари.....	141
Хайтов А. Норасолик комплекси шаклланиши омиллари.....	145
Халикова Л. Sportchining muvaffaqiyatining tarkibiy qismi sifatida psixologik xatti-harakatlar.....	149
Холиқов А. Кўришида нуқсон бўлган битирувчи ёшларни ҳаётда ижтимоий мослашувини амалга оширишда ўқитишнинг самарали технологияси.....	153
Shirinov O. O'quvchilarni milliy qadriyatlar ruhida tarbiyalash.....	155
Эрназарова Н. Педагогик олий таълим муассасалари гуманитар таълим йўналиши талабаларининг кредит-модул тизимида мустақил ишини ташкил этиш хусусиятлари.....	159
Ялғашев Б. Миллий халқ ўйинларининг ўзига хос хусусиятлари (Самарқанд воҳаси мисолида)	162

Филология

Абдуллаев Ф. Бадиий асарларда терговчи нутқининг миллий ва маданий жиҳатларининг намоён бўлиши.....	166
Алламуратова Х. Апотропо – этнолингвистиканинг тадқиқ объекти сифатида.....	170
Аманов Ғ. Ижтимоийлашув жараёнлар тадрижи ва таҳлили.....	174
Barotova M. “Ko'z qismoq” paralingvistik vosita sifatida.....	177
Бекмурадова З. Хиазм – стилистик фигура сифатида.....	180
Дедаханова М. Лексик маъно тараққиётида синекдоха ва унинг юзага келиш масаласи.....	183
Джафарова Д. Ҳозирда француз ва ўзбек тилларида “тарихий хотира”ни ифодаловчи архаик фразеологик бирликларнинг оғзаки нутқда ишлатилиши.....	187
Душаева У. Испан тилида турғун ўхшатмаларнинг гапдаги синтактик вазифалари.....	190
Жуманов Э. Роль медиальной формулы в узбекских народных сказках.....	194
Жўраева М., Бобокалонов О. Французча-ўзбекча шифобахш ўсимликлар терминологиясининг прагматингвистик тадқиқи.....	197
Ибрагимов Ш. “O'zbekiston-24” телеканалда "обод кишлоқ" ва “обод маҳалла” дастури ижроси таҳлили.....	201

Исломов Д. Фонема ва фоностистика тушунчаларига доир илмий-назарий қарашлар.....	205
Исмоилова Н. Метаморфоза феноменинг лингвистик луғатларда берилиши.....	208
Мамадалиева З. Искандар образи талқини: ирфон, орифлик ва камолот.....	211
Маматова Ф. Инглиз ва ўзбек тилларидаги эвфемизмларни типологик тадқиқ қилиш.....	214
Ражабова Д. Америка ёзувчиси теодор драйзернинг “Женни Герхардт” асарида урбанонимлар талқини.....	217
Ro‘zimatova D. O‘zbekcha tibbiy terminlarning mavzuiy guruhlari.....	220
Туробов Ж. Инглиз тили ўқитиш жараёнида темир йўл соҳасига оид терминларни тадбиқ этиш усуллари.....	223
Тухтасинова Н. Халқаро туризм терминологияси тушунчасининг моҳияти ва хусусиятлари.....	227
Усмонова З. Илмий-фантастик терминларнинг асардаги бадий вазифалари(Рей Брэдбери ва Айзек Азимов асарлари мисолида)	230
Холисова Г. Тижорий дискурсининг психолингвистик тадқиқига доир айрим натижалар.....	234
Худойбердиева Н. Ранг – фанлараро тадқиқот манбаи сифатида.....	237
Худойкулов М. Матбуот ва жамоатчилик фикри.....	242
Хайдарова Г. Мақол ва маталларнинг миллий ўзига хослиги ва уларнинг тузилиши.....	245
Ҳасанов А. Ўзбек тилидаги лексик лақуналарни диалектизмлар билан тўлдириш (чорвачилик лексикаси мисолида) ..	248
Шербоев Н. Стилистик воситаларнинг нутқ самарадорлигига таъсири.....	252
Юлдашева Ҳ. Эркин Воҳидов лирик асарларида миллий руҳ ифодаси.....	255



УДК199.9(595.1)

Малоҳат Жўраева,

Бухоро давлат университети доценти

Филология фанлари доктори

E-mail: malo_uz@mail.ru

Одилшоҳ БОБОКАЛОНОВ,

Бухоро давлат университети мустақил тадқиқотчиси

E-mail: odilchoh@yahoo.fr

PRAGMALINGUISTICAL STUDY OF FRENCH-UZBEK MEDICINAL PLANT TERMINOLOGY

Abstract

This scientific article on the pragmalinguistic study of French-Uzbek terminology of medicinal plants is intended to clarify the field of comparative linguistics and to study it separately at the level of modern innovative requirements. This article also examines the peculiarities of medicinal phytonyms in the French and Uzbek languages. The comparative opposites of linguistic terms are analyzed.

Key words: medicinal plant, terminology, pragmatics, pragmalinguistics, linguo-culturology, linguo-cognitivism, similarities and differential signs, lexical-semantic analysis.

ПРАГМАЛИНГВИСТИЧЕСКОЕ ИЗУЧЕНИЕ ТЕРМИНОЛОГИИ ФРАНЦУЗСКО-УЗБЕКСКОГО ЛЕКАРСТВЕННОГО ЗАВОДА

Аннотация

Эта научная статья о прагмалингвистическом изучении французско-узбекской терминологии лекарственных растений предназначена для прояснения области сравнительного языкознания и изучения ее отдельно на уровне современных инновационных требований. В этой статье также исследуются особенности лекарственных фитонимов на французском и узбекском языках. Анализируются сравнительные противоположности лингвистических терминов.

Ключевые слова: лекарственное растение, терминология, прагматика, прагмалингвистика, лингвокультурология, лингвокогнитивизм, сходства и отличительные признаки, лексико-семантический анализ.

ФРАНЦУЗЧА-ЎЗБЕКЧА ШИФОБАХШ ЎСИМЛИКЛАР ТЕРМИНОЛОГИЯСИНИНГ ПРАГМАЛИНГВИСТИК ТАДҚИҚИ

Аннотация

Мазкур французча-ўзбекча шифобахш ўсимликлар терминологиясининг прагмалингвистик тадқиқи бағишланган илмий мақола қиёсий тилшуносликнинг атамашунослик соҳасига ойдинлик киритиш ва уни замонавий инновацион талаблар даражасида алоҳида ўрганишни дастурлаш учун долзарб ҳисобланади. Шунингдек, мазкур мақолада шифобахш фитонимларнинг ўзига хос хусусиятлари француз ва ўзбек тиллари миқолида ўрганилади. Лисоний атамаларнинг қиёсий муқобиллари таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: шифобахш ўсимлик, терминология, прагматика, прагмалингвистика, лингвомаданиятшунослик, лингвокогнитивистика, ўхшашлик ва дифференциал белгилар, луғавий-семантик таҳлил.

Кириш. Француз ва ўзбек тилларида шифобахш ўсимлик номи [қисқ. ШЎН] терминологиясининг прагмалингвистик, лингвомаданий ва лингвокогнитив қиёсий тадқиқи номларининг мотивацион-номинатив ва лингвомаданий хусусиятларини очиқ бериш, шунингдек, қиёсланаётган ноқардош тиллардаги шифобахш ўсимлик номи [қисқ. ШЎН] ларининг ички ва ташқи хусусиятларидаги умумий ўхшашлик ва дифференциал белгиларини аниқлаш тадқиқотнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Француз ва ўзбек қиёсий тилшунослигида [ШЎН] илк маротаба тадқиқ этилмоқда.

Шунга кўра:

ўзбек ва француз тилларидаги [ШЎН] луғатини яратиш;

мотивацион-номинатив таҳлилнинг асосий йўналишларидан келиб чиқиб, [ШЎН] терминологиясини янгича тизимга солиш;

ўзбек ва француз тилларида [ШЎН] илмий номланишнинг мотивацион аспектида фарқли ва ўхшаш жиҳатларини кўрсатиб бериш;

прагмалингвистик, лингвомаданий ва лингвокогнитив кўламда қиёсланаётган тиллар

қисмидаги [ШЎН]ларининг луғавий-семантик таҳлилин амалга ошириш ва уларни махсус семантик гуруҳларга ажратиб тавсифлаш;

француз ва ўзбек халқлари қадриятларида прагмалингвистик, лингвомаданий ва лингвокогнитив [ШЎН] ларининг ёндош лисоний бирликлар билан ифодаланишини ва функционал-семантик категория билан уйғунлашини ёритиш;

[ШЎН] ларининг турли лисоний бирликлар, фразеологик чатишмалар, идиома, фраземалар ва нутқий ҳосилаларда ифодаланишнинг морфосинтактик хусусиятларини очиқ бериш;

француз ва ўзбек халқларининг тарихий-маданий ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бўлган [ШЎН] ларининг прагмалингвистик, лингвомаданий ва лингвокогнитив миллий ўзига хосликларни аниқлаш иш олдига мақсад қилиб қўйилди.

Шуни алдоҳида таъкидлаш лозимки, қиёсий лингвистика тармоқларида инновацион ғояларни ўзбек тилшунослигига тадбиқ этиш, лингвомаданий, психонейролингвистик ва прагматик соҳаларда илмий натижаларга эришиш мақсадида Бухоро давлат университетида ҳам алоҳида тадқиқотлар бошлаб юборилган [4]. Жумладан, француз ва ўзбек тилларида

шифобахш ўсимлик [ШЎН] терминологиясининг прагмалингвистик, лингвомаданий ва лингвокогнитив киёсий тадқиқи ҳам ана шу илмий изланишлар натижаси бўлишига эришилмоқда [12].

Тадқиқот методологияси. Жаҳон тилшунослигида [ШЎН] лар терминологиясининг прагмалингвистик, лингвомаданий ва лингвокогнитив тадқиқи турли тиллар замида ўрганилган ва бу йўналишда самарали натижаларга эришилган. Бироқ тадқиқ объектига олинган мавзу доирасида, жумладан, француз ва ўзбек тиллари киёсий-чоғиштирма тилшунослиги йўналишда тадқиқот ишлари амалга оширилмаган. Республикада сўнгги йилларда доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, доривор ўсимликлар етиштириладиган плантациялар ташкил этиш ва уларни қайта ишлаш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2020 йил 10 апрелда қабул қилинган “Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора тадбирлари тўғрисида”ги [1] мамлакатимиз президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан қабул қилинган қарори мазкур соҳага бўлган эътиборни янада кучайтирди. Қолаверса, француз ва ўзбек тиллари билан боғлиқ терминологик лугатларнинг аynи вақтда заруриятга айланиши мавзу олдида турган долзарбликни аниқлашга ёрдам беради.

Чоғиштирма тилшуносликнинг назарий асосларини яратишда жаҳон тилшунослари ва республикамиз олимларининг роли катта.

Биринчидан, “Шифобахш ўсимлик” тушунчаси ва термини, асосан тиббиёт ва табиатшунослик нуқтаи назаридан кенг қўламда ўрганилганлиги, аммо ҳозирги тилшуносликда етарли тадқиқ қилинмаганлиги кузатилади [2,3,5,6]. Айниқса, киёсий планда [ШЎН] номларининг француз ва ўзбек лингвомаданий қатлам доирасида тадқиқот олиб борилмаганлиги.

Иккинчидан, икки халқ оғзаки ва ёзма ижодида тил ва маданият уйғунлигида хали етарлича эътибор қаратилмагани;

учинчидан, [ШЎН] лисоний воситалари мажмуаси икки тил материалида комплекс тизимга солилмагани;

тўртинчидан, [ШЎН] ларининг термин сифатидаги роли ва лисоний аспекти киёсий соҳада тўлиқ таснифланмаганлиги. Ўзбекистонда [ШЎН] номлари табиатшунослик ва тиббиёт доирасидагина

ўрганилганлиги ва лингвистика билан боғлаб концептуал тахлилга тортилмаганлиги;

бешинчидан, [ШЎН] ларининг концептуал белгилари алоҳида тадқиқот қилинмаганлиги тадқиқот олдида долзарб масалаларга илмий аниқлик қиритиш лозимлигини таъқозо этмоқда.

Инновацион технологияларни тадбиқ этиш шароитида тадқиқ мавзусининг ўрганилиш даражаси қуйидагилардан иборатдир:

Жаҳон тилшунослиги ва тиббиётни янада жадал ривожланиши учун тиббий онг ва тушунчаларни шакллантириш йўлида [ШЎН] ларининг лексик қатламини ўзлаштиришга бўлган эҳтиёжни аниқлаштириб олиш;

Жаҳон халқлари, жумладан, француз ва ўзбек маданий бойликларида ўсимликлар оламидаги тиббий флоремаларнинг прагматик хусусиятларини аниқлаш;

Француз ва ўзбек тилларида [ШЎН] лар терминологиясини прагмалингвистик, лингвомаданий ва лингвокогнитив киёсий тадқиқ қилиш ҳамда прагматик тавсифлаш;

Маҳаллий ва хорижий фитонимга мансуб ўсимликларнинг доривор турларини илмий тиббиётда фойдаланишини киёсий ўрганиш билан боғлиқ фармацевтика саноатидаги ўрнини белгилаш;

Жаҳон тилшунослигида эришилган илмий натижалар, хорижий мамлакатлар ва Ўзбекистонда амалга оширилган тадқиқотлар, киёсланаётган тилларда яратилган илмий ижодий намуналар тағзамин бўлиб хизмат қилади

Тахлил ва натижалар. Француз ва ўзбек тилшунослигида [ШЎН] лари маълум даражада алоҳида ва тармоқ йўналишида тадқиқ этилган. Бироқ тиббиёт ва табиатшунослик билан боғлиқ илмий изланишлардан ташқари прагмалингвистик, лингвомаданий ва лингвокогнитив киёсий йўналишда алоҳида махсус илмий тадқиқот объекти бўлмаган. Шифобахш фитонимларнинг шу кунга қадар ўзбек ва француз тиллари мисолда киёсан ўрганилмаганлиги тадқиқот ишининг ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга эканлигини белгилайди. Шунга мувофиқ биз [ШЎН] терминологиясини яратишни ўз олдимизга мақсад қилиб олдик.

Қуйидаги жадвалда илмий тадқиқот ишимизда аниқ ечимини кутаётган асосий лексика, лисоний атамалар киёсий муқобиллари таржима лугатлардан намуналар сифатида берилди:

Ўзбекча атамалар	Хорижий тиллардаги муқобил атамалар	Изоҳи
Шифобахш ўсимликлар	Plantae medicinalis (лотинча); plantes (f) médicinale (французча); Medicinal plants (инглизча); Лечебные растения (русча)	Одам ва ҳайвонлар касалликларини олдини олиш ва даволаш учун ишлатиладиган ёввойи ва маданий ўсимликлар. Ўсимликларни даволаш тизими фитотерапия деб аталади
Доривор ўсимликлар	Plante (f) médicamenteuse (французча); medicinal plants, drug plants (инглизча); Лекарственные растения (русча)	Тарқибда инсон ва ҳайвонлар организмга таъсир этувчи биологик фаол моддалар тўпловчи ва тиббиёт мақсадларида доривор хомашёси тайёрланадиган ўсимликлар.
Шифобахш ўтлар, гиёҳлар	Herbacée (f) officinale, herbes (f.pl) médicinales (французча); official herb, medicinal herbs, herbaceous plants (инглизча); лекарственные травы, лечебные травы (русча)	Инсон ва ҳайвонлар организмга таъсир этувчи шифобахш, даволовчи хусусиятларга эга пояс ёғочланмайдиган, чорва моллари учун асосий озуқа бўлган яшил ўсимликларнинг ҳаётини шакли
Зиравор ўсимликлар, Шифобахш зираворлар	Plantes (m.pl) condimentaires, condiments (m.pl) aux propriétés médicinales (французча); condiment plants, medicinal condiments (инглизча); лечебные приправы (русча)	Шифобахш хусусиятларга эга овқатни хушбўй ва хуштаъм қилувчи ўсимликлар

Фармакогнозия	Pharmacognosie (<i>f</i>), matière (<i>f</i>) médicale (французча); pharmacognosy (инглизча); фармакогнозия (русча)	Асосан ўсимликлар, қисман хайвонлардан олинadиган доривор хомашёлар – ёғлар, эфир мойлари, дарахт елими, мум, ланолин ва бошқаларни ўрганувчи фан.
Фитотерапия	Phytothérapie (<i>f</i>), herboristerie (<i>f</i>) (французча); Herbal medicine, herbalism, phytomedicine, phytotherapy, paraherbalism (инглизча); фитотерапия, траволечение (русча)	Шифобахш ўсимликлар билан даволаш усулига асосланган Халқ табобатининг асосий йўналишларидан бири
Ароматерапия	Aromathérapie (<i>f</i>), (французча); Aromatherapy (инглизча); Ароматерапия (русча)	Шифобахш муолажалар асосида хушбўй хидли ўсимликлар, суякликлар ва турли оромбахш ифторлар билан даволаш соҳаси
Натуропатия	Naturopathie (<i>f</i>), (французча); naturopathy, naturopathic medicine (инглизча); натуропатия (русча)	Фақатгина табиий воситалар ва уларга асосланган усуллар ёрдамида инсон танасининг ўзини даволашга асосланadиган муқобил тиббиёт соҳаси
Флоротерапия	Florithérapie (<i>f</i>), thérapie (<i>f</i>) florale (французча); flower therapy, flower remedies (инглизча); флоротерапия, цветочная терапия (русча)	Табнатдаги нафис ва хушбўй ифтор таратувчи гул ва таркибий қисмлари билан даволаш, инсоннинг ҳиссий ва руҳий ҳолатини уйғунлаштиришга асосланган тиббиёт соҳаси
Халқ табобати	Médecine (<i>f</i>) populaire (<i>f</i>), médecine (<i>f</i>) naturelle, médecine (<i>f</i>) douce (французча); traditional medicine, natural medicine (инглизча); Народная медицина, врачевание, целительство (русча)	Авлодлар тажрибасига таянган, халқ урф-одатларида ўз тасдиғини тошган, тиббиёт ходимлари ҳамда махсус тайёрланган шахслар томонидан қўлланиладиган анъанавий ва муқобил тиббиётнинг тан олинган профилактика, диагностика ва даволаш усуллари. Халқ табобатига оккультизм-афсунга оид ҳамда диний маросимларни ўтказиш қирмайди.
Анъанавий тиббиёт	Médecine traditionnelle (французча); Traditional medicine, indigenous (folk) medicine (инглизча); традиционная медицина (русча)	Маълум бир ҳудуд ёки миллатга хос бўлган профилактика, диагностика ва даволаш усуллари (масалан, Хиндистонда йога, Хитойда игна билан даволаш, Ўрта Осиёда доривор ўсимликлар билан даволаш ва б.).
Муқобил тиббиёт	Médecine (<i>f</i>) alternative, médecine (<i>f</i>) parallèle, médecine (<i>f</i>) holistique (французча); alternative medicine (инглизча); альтернативная медицина, нетрадиционная медицина, парамедицина (русча)	замонавий тиббиётга нисбатан қўшимча ёки муқобил вариант сифатида эътироф этиладиган профилактика, диагностика ва даволаш усуллари.
Қўшимча тиббиёт (Комплементар тиббиёт)	Médecine (<i>f</i>) complémentaire (французча); complementary medicine (инглизча); комплементарная медицина (русча)	халқ табобатининг соғлиқни сақлаш амалиётида замонавий тиббиёт билан биргаликда қўлланиладиган умум эътироф этилган усуллари.

Тиббиёт соҳаси тармоқларида оммалаштирилиши зарур қуйидаги жиҳатларга аҳамият бериш қўзланган:

❖ Ўзбекча-французча, французча-ўзбекча шифобахш ўсимликлар лугатлари яратилади;

❖ Француз ва ўзбек қиёсий тилшунослигида шифобахш ўсимликлар терминологияси тизимга солинади;

❖ [ШЎН] лар илмий номланишнинг мотивацион аспектда фарқли ва ўхшаш жиҳатларига ойдинлик киритилади;

❖ Прагматлингвистик, лингвотаданий ва лингвокогнитив кўламда илк маротаба [ШЎН] ларининг лугавий-семантик хусусиятлари ўрганилиб ёритиб берилади;

❖ [ШЎН] ларининг турли лисоний бирликлар, фразеологик чатишмалар, идиома, фраземалар ва нуткий ҳосилалар таркибида анализ ва синтез қилинади;

❖ Француз ва ўзбек халқларининг тарихий-маданий ривожланишнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бўлган [ШЎН] ларининг миллий ўзига хосликларни аниқлаштирилади.

Прагматика (юн. *pragma, pragmatos* – иш, ҳаракат) – семиотика ва тилшуносликнинг нутқда тил белгиларининг амал қилишини ўрганувчи соҳаси, бошқача айтганда, муайян белгилар тизимини ўзлаштириб, ундан фойдаланувчи субъектларнинг айни шу белгилар тизимига муносабатини ўрганувчи фан тармоғи ҳисобланади [10]. Прагматика ҳақидаги асосий ғоя америкалик олим Ч. Пирс томонидан ўртага ташланган [7]; яна бир америкалик олим Ч. Моррис ушбу ғояни ривожлантирган ва «Прагматика» терминини семиотика бўлиmlаридан бирининг номи сифатида амалиётга киритган [9].

Прагматика инсоннинг ижтимоий фаолиятини ўзида қамраб олувчи нутқ жараёни, муайян алоқа вазияти орқали намоён бўлади. Лингвистик прагматика аниқ шакл, ташки қўринишга эга эмас. Унинг доирасига сўзловчи субъект, адресат, уларнинг алоқа-аралашувдаги ўзаро муносабатлари, алоқа-аралашув вазияти билан боғлиқ қўлаб масалалар қиради. Масалан, нутқ субъекти билан боғлиқ ҳолда қуйидаги масалалар ўрганилади: баённинг ошқора ва яширин максadлари (бирон-бир ахборот ёки

фикрни етказиш, сўрок, буйрук, илтимос, маслаҳат, ваъда бериш, узр сўраш, табриклаш, шикоят ва бошқалар); нутқ тактикаси ҳамда нутқ одоби турлари; суҳбат, сўзлашиш қоидалари; сўзловчининг мақсади; сўзловчи томонидан адресатнинг умумий билим жамғармаси, дунёқараши, қизиқишлари ва бошқа ҳислатларига баҳо берилиши, сўзловчининг ўзи баён қилаётган хабарга муносабати қабилар қиради. Прагматикада нутқ адресати, ўзаро алоқага кирувчиларнинг муносабатлари, муайян алоқа вазияти сингари омиллар билан боғлиқ қолда қам қўлаб масалалар ўрганилади. Прагматика ғоялари эвристик (йўналтирувчи) дастурлаш, машина таржимаси, инфор­мацион-кидирув тизимлари ва бошқаларни ишлаб чиқишда қўлланади. Биз ана шуларни ҳисобга олган ҳолда француз ва ўзбек тилларида шифобахш ўсимлик терминологиясининг прагматингвистик хусусиятларига алоҳида эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ва таклифлар. Тадқиқотда лингвوماданиятшунослик соҳаси билан бевосита боғлиқ бўлган шифобахш ўсимлик терминологиясининг прагматингвистик, лингвокогнитив асослари тил ўрганиш учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, мавзунинг тадқиқи қиёсий тилшунослик, социолингвистик, когнитив лингвистикадаги чигал муаммоларга ойдинлик киритади. [ШўН] лари билан боғлиқ лисоний бирликларни тизимга солади ва қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганади.

Француз ва ўзбек халқларининг лингвوماданият катлами, мавзу доирасидаги илмий-назарий манбалар, қиёсий терминологик лугатлар, бадний ва фольклор манбалари тадқиқот объектини ташкил этиб, қиёсий тилларида [ШўН] ларини қиёсий ўрганиш ва лисоний тамойилларини белгилашда мотивацион-номинатив ва лингвوماданият воқеаларининг кўрсатиб берувчи лисоний воситалар тизимга солинади.

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. « Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданият ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ЎзР Президенти Қарори. 2020 й. 10-апрель. // [Электрон ресурс] Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.04.2020 й., 07/20/4670/0414-сон. – Ресурс ҳавола­си: <https://lex.uz/docs/4785256>. – Охи­р­ги му­ро­жа­ат са­на­си: 10.11.2020.
2. Азизов Х.Я. Ўсимликларнинг инсон ҳаётида тутган ўрни // Органик дехқончиликнинг институционал масалалари: ҳолати ва истиқболлари республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2017. - Б.113;
3. Ахмедов Э.Т., Бердиев Э.Т. Чилонжийда – истиқболли шифобахш ўсимлик. Монография –Тошкент: ЎзР ФА Минтипиграфияси, 2017. - Б.87;
4. Бобокалонов Р.Р., Бобокалонов П.Р., Хайтова Н.И. Значения канонических слов-предложений в духе толерантности. ФИЛОЛОГИЯ, Международный научный журнал (PHILOLOGY. International scientific journal), № 2 (26), 2020. С. 40.
5. Данияров Б. Ўзбек тили лексик синонимларининг лисоний ва нутқий муносабати, лексикографик тадқиқи. Монография. –Тошкент: Сано стандарт, 2019. - Б.19;
6. Ли Б.Н. Халқ тиббиёти. Дарслик. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. Б.139
7. Мельвил Ю.К. Чарльз Пирс и прагматизм. (У истоков амер. буржуазной философии XX в.). М.: Изд-во МГУ, 1968 – Стр 9-17
8. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик лугати (туркий тиллар). -Т.:Университет, 2002. - Б.463;
9. Трунтт У. Предшественники постмодернизма и его связь с классическим американским прагматизмом // Вопр. философии. 2003. № 3. С. 165–166.
10. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. - П ҳарфи. - Т.: ЎзМЭ Давлат илмий нашриёти, 2003. - Б.378
11. Claudine Tiercelin, C.S. Peirce et le pragmatisme, Paris, puf, 1993. P.3-149.
12. Juraeva M.M. Category of modality: research and interpretation. International Scientific Journal, Theoretical & Applied Science, Vol. 86, Issue 06, 2020 e-ISSN 2409-0085 (online), <http://T-Science.org>.
13. Sayfullaeva R.R., Bobokalonov R.R. and others. Social map of the language: neurolinguistics and optimization of speech. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Issue 09, 2020 ISSN: 1475-7192.